

Тошкент вилояти ва Наманганда рейд тадбирлари сарҳисоби

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сонли, 9 мартдаги ПҚ-303-сонли ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли 2006 йил 14 июлдаги 138-сонли ва 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти МХХ, ИИБ ЙҲҲБ, ДСБ, вилоят транспорт Департаменти ва Агентликнинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими ходимлари иштирокида йўл транспорт ходисалари олдини олиш ҳамда ташувчилар томонидан лицензия талаб ва шартларининг бажарилишини назорат қилиш, автотранспорт воситаларида ноқонуний фаолият кўрсатаётган шахсларни аниқлаш бўйича Тошкент вилояти Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида 2017 йил 4 ва 6 январь кунлари қўшма тадбир ўtkазилди. Тадбир натижасида лицензия талаб ва шартларини бузилиши 24 та холатда ҳамда ноқонуний фаолият олиб бораётган 44 та автотранспорт восита эгалари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ, ДСҚ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2005 йил 3 майдаги 142, 85, 58-сонли қўшма буйруқларига ҳамда вилоятда тасдиқланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасига асосан 2016 йил 12 ойида Вилоят ИИБ ЙҲҲБ, Вилоят Давлат Солиқ Бошқармаси ва бўлим ходимлари иштирокида 203 маротаба ўtkазилган қўшма рейдлар давомида транспорт воситаларини тегишли (лицензиясиз) бошқарган 3649 та ҳолат юзасидан ДСИ ходимлари билан тегишли далолатномалар тузилиб, суд идоралари томонидан 4714975,8 сўм жарималар қўлланилди.

Лицензия талаб ва шартларини бузган ташувчи корхоналарга қарашли транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан ҳудудий бўлим томонидан 1460 та далолатномалар расмийлаштирилди.

2016 йил январ ойида тасдиқланган тадбирлар режасига асосан, бугунги кунда вилоятда юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган автотранспорт воситаларини лицензиялаш қамровини ошириш, лицензиатлар томонидан лицензия талаб шартларига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш, лицензиясиз ноқонуний равишда фаолият кўрсатаётган автотранспорт воситалари эгаларини аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш ҳамда автомобиль транспортида тадбиркорлик фаолияти олиб бораётган ташувчилар ўртасида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Наманган шаҳрида аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, йўл транспорт ходисалари ва суный тирбандликларни олдини олиш, транспорт харакатларини тартибга солиш ва нарх-навони кўтарилиб кетмаслиги юзасида Наманган шаҳар ДСИ, Наманган вилоят ИИБ ЙҲҲБ

ҳамда Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг Наманган худудий бўлими ходимларидан иборат 10 та гурух ташкил этилди ва хозирги кунда рейд тадбирлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати